



## Фарғона вилоятининг "Ёш китобхон оила"си ҳам Ўзбекистон туманидан!

Кеча, Марғилон шаҳридаги Тадбиркорлар маркази биносида "Ёш китобхон оила" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман (шаҳар) босқичида қолиб бўлган ёш оилалар ўз кучларини синовдан ўтказдилар.

Мурасасиз кечган китобхонлик баҳси якунлари бўйича Ўзбекистон тумани вакиллари - Ниёзматовлар оиласи 165 балл билан биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишадиган бўлди.





"Yosh kitobxon oila" tanlovi

Farg'ona

Шу куни Ниёзматовлар оиласига танловнинг вилоят босқичи асосий ташкилотчиси-Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармасининг 1-даражали дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Маълумот ўрнида, Ниёзматовлар оиласи тумanning Зиё Нурсух қишлоғида истиқомат қилишади. Том маънода зиёлилар оиласи ҳисобланади.

Ёш оила бошлиғи Абдуллажон филолог касбини эгаллаган бўлса, унинг турмуш ўртоғи Умидахон 67-мактаб ўқитувчиси. Улар 2020 йилда турмуш қуришган.



Яна бир муҳим маълумот: оила бошлиғи, 1000 дан зиёд шогирдларнинг суюкли мураббийи Абдуллажон Ниёзматов - туманимиз фахри, “Ёш китобхон-2021” республика танловининг ғолиби Муҳаммадфозил Исмоиловнинг ҳам асосий ва маслаҳатгўй устози ҳисобланади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ушбу муносиб ғалаба билан Ниёзматовлар оиласини самимий муборакбод этади!

Китобхон оиланинг келгусида янада юксак зафарларга эришиб, танловнинг республика босқичидаги иштирокида ҳам фақат ғалаба тилаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига файзу-барокат тилаймиз!

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги**

2021-07-29 16:14:38